

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ЙИЛ
ЧИҚИШИ.

№ 254 (5347).

28
ДЕКАБРЬ
ШАНБА

1974 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Кеча меҳнаткашлар депутатлари Тошкент обла­сти Советининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияда обла­сти ҳалқ ҳужалигини ривожлантиришнинг 1975 йилги пла­ни до­и­ҳаси муҳокама қилинди. Бу масала юзасидан обла­сти ра­ис Комиссиясининг раиси А. А. Валиев доклады қилди.

Шунингдек сессияда Тошкент областининг 1975 йил­ги маҳаллий бюджет ва 1973 йилги маҳаллий бюджет­нинг бажарилиши тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Бу масала юзасидан обла­сти раисининг раиси Я. К. Эъчибековнинг доклады ҳамда обла­сти раис-бюджет комиссияси раисининг ўринбосари Ш. З. Зоҳидовнинг қўшимча доклады тингланди.

Сессияда меҳнаткашлар депутатлари обла­сти иж­роия комитетининг 1974 йилги иши тўғрисидаги ҳисоби ҳам муҳокама қилинди.

Қуриган масалалар юзасидан қарорлар қабул қи­линди.

Сессияда обла­сти иж­роия комитетининг раиси ўртоқ П. Ю. Юсупов нутқ сўзлади.

Сессияда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раи­сининг ўринбосари республика Госпланининг раиси Қ. А. Аҳмедов иштирок этди.

(Сессия тўғрисидаги ҳисобот газетамизнинг навбат­даги сониде босилади).

МЕХНАТ ЗАРБДОРЛАРИ



Ўзбекистонда беш йилликнинг белгилари янги меҳнат ютуқларига жуда бой бўлди. Янги йил эшик қўқиб турган шу кунларда беш йиллик зарбдорлари белгиларини йил даво­мида бажарган ишларини сарҳисоб қилиб, келас йил учун янги режалар тузмокдалар. Вақтдан ўз­бўш ишлаётган ана шу фидокорлар сафиде Тошкентдаги бадиий буюмлар фабрик­наси 4-дехининг илгор чевари Ойша Эшонқўжаева билан «Среднегрозветмет» техник­ка ишлаб чиқариш корхонасининг токари Зокиржон Бобожовлар ҳам бор.

М. Нуриддинов фотолари.

ЮБИЛЕЙ МУБОРАК

Тошкент меҳнаткашлари коллек­тивларининг вакиллари 27 де­кабрь кунин Ўзбекистон Давлат хавфсизлиги органларининг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қатнашмоқ учун А. Навоий номили театрга келдилар.

Мажлисда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев оиди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Бреж­нев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сийсий бюроси мажлисининг фахрий президиумига баланд руҳ билан сайланди.

Ўзбекистон Компартияси Мар­казий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ми­нистрлар Советининг республика давлат хавфсизлиги органларини ҳодимларига йўллаган табрикно­масини мажлис қатнашчилари да­вомли қарсқилар билан кутиб ол­дилар. Табрикномани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комите­тининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов ўқиб эшиттирди.

СССР Министрлар Совети ҳузу­ридаги Давлат хавфсизлиги Ко­митети раисининг ўринбосари В. П. Пирожков КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети ҳузури­даги Давлат хавфсизлиги комите­ти Раиси Ю. В. Андроповнинг Ўзбекистон чекистларига йўллаган табрикномасини ўқиб берди.

Мажлисда республика давлат хавфсизлиги органлари босиб ўтган шонли йўл тўғрисида Ўзе­бекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги

Комитетининг раиси Э. Б. Нор­дман доклады қилди.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Ми­нистрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома йўлладилар.

Тантанели мажлисда КПСС Мар­казий Комитети Сийсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комите­тининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартия­си Марказий Комитети Бюроси­нинг аъзолари ва аъзоллига кан­дидатлари И. Г. Анисимкин, И. Р. Курбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мухомедов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Махму­дов, С. У. Султонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдулқадир, Ўзбекистон ССР Ми­нистрлар Совети раисининг ўрин­босарлари Қ. А. Аҳмедов, М. Т. Турсунов қатнашдилар.

27 декабрь кунин Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми­нинг раиси Н. М. Матчонов рес­публика давлат хавфсизлиги ор­ганларининг ҳодимларидан бир гуруҳига Ўзбекистон ССРнинг Фахрий унвонлари берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни ва куракка текиладиган тегилли нишонларини, шунингдек Ўзбеки­стон ССР Олий Совети Президиуми­нинг Фахрий ёрлиқларини топ­ширди. Улар ўқиб йиллик, самар­ли ишлари учун ва республика давлат хавфсизлиги органлари­нинг 50 йиллиги муносабати би­лан мукофотланган эдилар.

(ЎЗТАГ).

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Меҳнаткашлар депутатлари Тош­кент шаҳар Советининг 27 декабрда бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида шаҳар ҳўжалигини ривожлантириш­нинг 1975 йилги пла­ни ва Тошкент

нинг 1975 йилги бюджетни қабул қи­линди. Шаҳар бюджетининг 1973 йилги ижроси ҳақидаги ҳисобот тас­диқланди.

(ЎЗТАГ).

КИРОВЛИКЛАР РАПОРТИ

КПСС XXIV съезди қарорла­ри ва КПСС Марказий Комите­тининг партияга, ҳалққа Му­рожаатини ҳаётга таътиб этабо­риб, социалистик мусобақани кенг кулоч ёйдирган Киров рай­они саноат корхоналарининг коллективлари аниқловчи йилда катта галабаларни қўлга киритишди. Район саноатчилари СССР Олий Советининг иккин­чи сессияси иш олиб бораётган кунларда, 21 декабрда 1974

йил маҳсулот реализация қи­лиш планини бажардилар.

Юбилей йили социалистик мусобақасида трикотаж фир­маси, асбобсозлик заводи, 4-босмаҳона, «ЎзССР 50 йилли­ги» тикув фирмаси, ҳамда ту­қимачилик-галантерея фабрика­сининг коллективлари ҳам ютуқларга эришдилар.

1974 йилнинг ўзиде районда 300 хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўлаштирилди.

„КОСМОС-700“ ПАРВОЗ ҚИЛМОҚДА

1974 йил 26 декабрда Совет Иттифоқида ёрнинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-700» учирилди.

Йўлдош бортида космик фа­зонни тадқиқ қилишни давом

этириш учун мўлажалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координатлаш-ҳи­соблаш маркази олинган маъ­лумотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).



Оҳангарондаги чорвачилик комплекси ишшооти муҳдатидан эълан, фойдаланишга топширилди. Замонавий ўқуналар билан алект йилгига 4200 тонна гўшт етказиб беради. Қўрғилда онларидан комсомол йўланимси билан неглан 800 дан аябд этилди. Чорвачилик комплексидан ташиқари улар чорвадорлар бердилар. Сўрагата: қурилиш зарбдорларидан (чадан ўпта) диянов ва В. Попов ҳамда комплекс бригада бошлиғи В. Тев.

МАХСУЛДОРЛИК ОШМОҚДА

Чиноз районидеги Охунбобоев номили колхоз чорвадорлари қиш­нинг алоҳида пухта ҳозирлик билан қаршилдилар. Молхоналар барвақт ремондан чиқарилиди. Моллар учун мустақкам етказиш базаси яратилди. 7550 тоннадан ортиқ сенаж, 3,5 минг тонна сеноз ва бошқа ширални озуқалар жамғарилиди. Бугунги кунда улар моллардан қўлаб маҳсулот олишга эришмокдалар. Хар бон сонинг ситиридан шу кунгача 2,5 минг литрдан ошириб сўт соғиб олинди. Карима Юнусова, Анора Хўжа­муродова, Фотима Сазонова каби моҳир соғувчилар йил охиригача 3000 килограммга етказиб сер­қаймоқ сўт соғиб олиш ниятида­лар.

Моллар маҳсулдорлигини оши­раётган чорвадорлар йиллик дав­лат планини муваффақиятли ба­жардилар. Шу кунгача 450 тон­нага яқин серқаймоқ сўт топши­рилди. Йил охиригача яна 10—15 тонна сўт етказиб берилади. Қўй­лар бон сонинг ҳам ошириб бажа­рилди. Давлатга 32 минг донга ўринга 37 минг донга яқин ту­хум топширилди.

Янгийўл районидеги Назарали Нисов номили колхоз чорвадорла­рини алоҳида пухта маҳсулдорлигини йилдан-йилга ошириб бормокдалар. «Хурмат белгиси» ордени кавале­ри Кунсулаев Атакаева, Дилором Аблашовавалар ўзаро мусобақа­лашган ҳолда меҳнат қилиб, шу кунгача хар бон ситиридан 2,5 минг литрдан ошириб сўт соғиб олишди. Улар йил охиригача 500 литрдан серқаймоқ сўт соғиб ола­ниб, дейишмокда. Х. Бойқўзиева, А. Рушакоева каби моҳир соғувчи­лар ҳам йиллик сўт соғиб олиш планини ошириб бажардилар.

Қишловини муваффақиятли ўт­казишга алоҳида эътибор бераёт­ган чорвадорлар йил охиригача хар бон ситиридан 3000 килограмм­дан сўт соғиб олишдек юксак маж­буриятни бажаришга ҳаракат қи­лмокдалар. Қолхоз бўрдоқчи­лар бурдоқчининг тирик вазинини 400—450 килограммга етказиб, гўштга топширини ниятида­лар.

А. ХУСАНОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз муҳбири.

